

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ БАХТИЁРЖОН ГУЛМУХАММАДОВИЧ

ШОЛИНИНГ ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation
of agricultural sciences**

Қодиров Бахтиёржон Гулмухаммадович Шолинг шўрланишга чидамли навларини танлаш	3
Кадиров Бахтияржан Гулмухаммадович Отбор сортов риса устойчивых к засолению.....	21
Kodirov Bakhtiyorjon Gulmukhammadovich Selection of rice varieties resistant to salinization.....	39
Эълон қилинганишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ БАХТИЁРЖОН ГУЛМУХАММАДОВИЧ

ШОЛИНИНГ ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.PhD/Qx45 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Шолчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) веб-саҳифанинг (www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Телляев Рихсивой Шамамадович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Остонақулов Тоштемир Эшимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Абдурахмонов Содикжон Обидович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: riim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: riim@agro.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шоли дунё бўйича энг муҳим дон экинларидан бири бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони жиҳатидан иккинчи ўринни, ҳосилдорлиги бўйича эса биринчи ўринни эгаллаб, «...дунё бўйича 2018 йилда 155 млн. гектар майдонда экилиб, 751,9 млн. тонна шоли ҳосили етиштирилган»¹. Шоли ҳосилдорлиги бундан юқори бўлиши мумкин эди, лекин, Осиё (Австралия, Тинч Океани ҳавзалари ва бошқалар) мамлакатларида 53,2%, Лотин Америкасида 13,4%, дунёнинг Шарқий ҳудудларида 12,7%, Европада 9,4%, Африкада 8,8%, Жанубий Америкада 2,5% шўрланган майдонларда шоли етиштирилмоқда.

Дунёда шоли етиштирувчи бир қатор ривожланган давлатларда ресурстежамкор технологияларни илмий асосланган ҳолда қўллаш, тупроқ шўрланишини камайтириш, унумдорлигини ошириш, шўрланишга чидамли навларни яратиш эвазига юқори иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, турли даражада шўрланган шароитларга чидамли шоли навларини танлаш, оқилона жойлаштириш ҳамда янги етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш, замонавий техника воситаларини қўллаш, ҳосилдорликни ошириш ва дон сифатини яхшилаш орқали ўз ечимини топмоқда.

Республикамизда шўрланган ер майдонларини ўзлаштириш, яхшилаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, шликдорликни ривожлантириш, экологик ҳолатни, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган, жумладан шўрланган ерлардан ва сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тупроқ, иқлим ва экологик шароитларга мослашган, шўрга чидамли қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш, танлаш, ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачилик–шоличиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.² Бу борада экинларни жадал етиштириш орқали ердан унумли фойдаланиш билан бир қаторда тупроқ шароитини яхшилаш, дон ҳосили етиштириш технологиясини такомиллаштириш, шунга мос экин турлари ва навларини танлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ 5303-сон “ Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида” ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28

¹<http://www.faostat.fao.org>; <http://www.activestudy.info/soleustoychivost-selskoxozyaestvennix-rasteny>,

²<https://Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 фармони>

ноябрдаги 261-сон “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.³

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда турлича шўрланиш ва унинг даражаси хилма-хил бўлган тупроқларда шоли навлари уруғларини униб чиқиши, илдиз тизими, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг биометрик кўрсаткичлари, пишиб етилиш давомийлиги, барг сатҳи қурук моддалар тўплаши, ҳосилдорлик ва унинг сифатига таъсири кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар, жумладан Краснодар ўлкасида М.Кремзин, И.Е.Белоусов, В.А.Поповлар, Вьетнам Социалистик Республикасида Mai Nguyen Thi, Tan Hoang Minh, Те Nguyen Huu., Ҳиндистоннинг Деп. Генетика университетиди, Османия университетиди ва Хайдерабад 7 минтақаларида Sangam Shubhada, Kavi P.V., Бельгияда Catholic de Louvain, Louvain-la-Neuve, Ndayiragije A., Lutts S.,Хитойда Chen Li-Men, Као Чинг Ниеи лар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган ҳамда муайян натижаларга эришилган. Республикамизда яратилган, рақобатбардош, серҳосил шоли навларини шўрланишга чидамлилигини ўрганиш бўйича Н.И.Косарев, Е.И.Свежакова П.А.Пулина, С.Рихсиева, Т.Э.Исхақов, Т.Бобониязов, Т.Асилов, М.Э.Саидахмедова, У.Абилаев, Б.Керимкулова, Х.А.Бараевлар томонидан фақат селекцион навлар яратиш йўналишида қисман тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, мамлакатимизда яратилган ҳамда кенг миқёсда экишга жорий этилган шолининг маҳаллий навларини турли тупроқ шўрланишларига чидамлилиги ўрганилмаган ва уларни мақбул жойлаштириш технологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг амалий-тадқиқотишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот режасининг ҚХА-10-034 "Юқори ҳосилли, экстремал шароитларга чидамли, сифатли гуруч берадиган шоли навларини яратиш, уларни бошланғич уруғчилигини барпо этиш" (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида мақбул ўсиб, ривожланиб, юқори ҳосил бера оладиган, турли даражадаги шўрланишга чидамли шоли навларини танлаш, уларнинг оқилона жойлаштириш тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

3 <https://www.uzscience.uz/gntp 00.htm>

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўсимликлар генофондидан мақсадли танлаб олинган шоли навлари уруғларининг лаборатория ва дала муҳитида унувчанлиги, кўчат қалинлиги ва сақланиш даражасига турли даражада шўрланган тупроқлар таъсирини аниқлаш;

шоли навларини ўсиш, ривожланиш давлари ва давомийлиги, барг сатҳи ўзгаришига, илдиз ва ўсув массасининг шаклланишига турли даражадаги шўрланиш таъсирини ўрганиш;

ҳосил асосини ташкил қилувчи ўсимликнинг биометрик кўрсаткичларига турли даражадаги шўрланиш таъсирини аниқлаш ва чидамли навларни танлаш;

ўрганилган маҳаллий навлар бўйича ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларига турли даражадаги шўрланиш таъсирини аниқлаш ҳамда тупроқ шўрланиш даражасига кўра навларни оқилона жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилоятининг турли даражада хлорли ва сульфатли шўрланган оч тусли бўз тупроқлари, ўсимликлар генофондидан мақсадли олинган 25 та навлар ҳамда улардан танлаб олинган шолининг эртапишар “Нукус-2”, “Навбахор”, “Санам”, ўртапишар “Авангард”, “Искандар”, “Илғор”, кечпишар “УзРОС 7-13”, “Лазурный” “Мустақиллик” навлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети сифатида турли даражада шўрланган тупроқларнинг шоли навлари уруғларини лаборатория ва дала шароитида униб чиқиши, вегетацион, лизиметрик ва дала шароитида ўсиши, ривожланиши, қуруқ массаси, барг сатҳи, ўсув даври давомийлиги, ҳосил шаклланишининг биометрик кўрсаткичлари, дон ҳосилдорлиги ва унинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири олинган.

Тадқиқотнинг услублари. Илмий тадқиқотларда лаборатория, вегетацион ва лизиметрик тажрибаларни жойлаштириш, ҳисоб-китоблар, кузатишлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси” (Тошкент), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ) асосида амалга оширилган. Ўсимлик ва тупроқ намуналарини олиш ҳамда кимёвий таркибини ўрганиш таҳлиллари “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент), Шолининг шўрга чидамлилигини баҳолаш учун Т.П.Журбанинг “Ускоренный метод оценки образцов риса на устойчивость к засолению почвы” (Краснодар) услубида, шоли ўсимлиги барг сатҳини ҳисоблаш Vishnu M. Bhan and H.K. Pande (IRRI) услубида, ҳосилни етиштириш учун сарфланган харажатлар, олинган соф фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар 2009-2017 йилларнинг ўртача баҳоси билан В.Н.Положий (Тошкент) услубида, тажрибалардан олинган натижаларнинг статистик таҳлили “Методика полевого опыта” (Колос) Б.А.Доспехов услуби бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқ шароитларига мос 25 та шоли навларидан 9 та юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкин бўлган, районлаштирилган шоли навлари танлаб олинган;

шоли навлари уруғларининг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиш давомийлиги, кўчат қалинлиги ва ўримгача сақланиш даражаси, биометрик, ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичларига турли даражадаги шўрланиш таъсири аниқланган;

шўрланган ерларда шоли етиштириш агротехнологиясига асосланиб, шўрланмаган ва кучсиз даражада шўрланган тупроқларда шолининг ўртапишар “Авангард”, “Искандар”, “Илғор” навлари ва кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурный”, “УзРОС-7-13” навларини етиштириш имкониятлари аниқланган;

ўртача ҳамда кучли даражада шўрланган тупроқларда эса эртапишар навлар гуруҳидан “Нукус-2”, “Навбахор”, “Санам” навлари, ўртапишар гуруҳидан “Искандар” ва кечпишар гуруҳидан “Лазурный” навларини, жуда кучли даражада шўрланган тупроқларда эса фақат эртапишар “Навбахор” навини экиб етиштириш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари. Турли даражада шўрланган муҳитларда ўсимликлар генофондидан олинган шолининг 25 та навлари лаборатория шароитида шўрланган сувли ва тупроқ муҳитида уруғларни ундириш асосида, энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган шолининг 9 та маҳаллий, эртапишар “Нукус-2”, “Навбахор”, “Санам”; ўртапишар “Авангард”, “Искандар”, “Илғор”, кечпишар “УзРОС-7-13”, “Лазурный”, “Мустақиллик” навлари танланган;

тадқиқотлар натижасида тупроқлар Cl ва SO_4 иони билан жуда кучли шўрланган шароитларда ҳосилни ташкил қилувчи биометрик кўрсаткичлар шолининг эртапишар “Навбахор” навида $1m^2$ майдондаги кўчатлар сони 99,7- 103,4 дона, маҳсулдор поя сони 193,5-197,3 дона, рўвак узунлиги 14,0-14,3 см., бир рўвакдаги донлар оғирлиги 1,9-2,0 г, рўвакдаги жами донлар 94,8-93,8 дона, рўвакдаги тўлиқ донлар 66,0-69,0 дона, рўвакдаги пуч донлар 28,8-24,8 дона ва 1000 дона дон оғирлиги 28,8-29,0 г. ни ташкил этганлиги ҳамда энг юқори кўрсаткичлар тупроқ ўртача ва кучли шўрланган шароитларда эртапишар “Нукус-2”, “Санам”, ўртапишар “Искандар” ва кечпишар “Лазурный” шоли навларида аниқланган;

шолининг ўртапишар навлар гуруҳидан фақат “Искандар” навидан тупроқлар кучли даражада шўрланган шароитда ҳар гектардан 32,7-36,2 ц/га дон ҳосили ва 369541-682616 соф фойда олиш, рентабеллик даражасини 12,7-23,2% га етказиш, кечпишар “Лазурный” навидан эса кучли даражада шўрланган тупроқларда 32,3 ц/га ҳосил етиштириш ва ҳар гектардан 486041 сўм соф фойда олиш мумкинлиги аниқланган;

Фарғона вилояти шолчилигида асосан жорий этилаётган 9 та маҳаллий шоли навларини тупроқларнинг турли даражада шўрланишига қараб табақалаштириб жойлаштириш натижасида ҳосилдорликни 10-25

фоизгача ошириш ва юқори иқтисодий самара олиш мумкинлиги амалий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқотлар натижаларини хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, олинган натижалар мутахассислар томонидан баҳоланиб хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокама-лардан ўтганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, мазкур диссертация ишининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий аҳамияти, Фарғона вилоятининг тупроқ шароитида 9 та шоли навларини турли даражадаги шўрланишга чидамлиги, уруғларни униб чиқиш, ўсимликларнинг ўримгача сақланиш даражаси, ўсиши, ривожланиши, бир ўсимлик барг сатҳи, қуруқ масса тўплаши, биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорликка ва дон сифатига таъсири ўрганилганлиги ва ҳар бир шўрланиш муҳитига алоҳида чидамли навлар танлаб олинганлиги ҳамда уларни табақалаштириб илмий асосланган ҳолда жойлаштириш натижасида ҳосилдорликни 10-25 фоизгача оширишнинг назарий асослари ишлаб чиқилиши билан белгиланади.

Кучли даражада шўрланган тупроқларда шолининг эртапишар гуруҳидан “Нукус-2” ва “Санам”, ўртапишар гуруҳидан “Искандар”, кечпишар гуруҳидан “Лазурный”, хаттоки жуда кучли даражада шўрланган тупроқларда эртапишар гуруҳидан “Навбахор” навларидан юқори ҳосил етиштирилганлиги ва иқтисодий самарага эришилганлиги тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шоли навларининг турли даражада шўрланган оч тусли бўз тупроқлар шароитида шўрланишга чидамлилигини ўрганиш, чидамли навларни танлаш, оқилона жойлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида;

шоличиликка ихтисослашган фермер ва томорқа хўжаликлари учун “Ўзбекистоннинг турли минтақаларида шоли етиштириш”, “Шоличиликда сувдан тежаб фойдаланиш”, “Хоразм вилоятида сув тақчиллиги шароитида шоли етиштириш” бўйича тавсияномалар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 02/21-164-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномаларга асосланган ҳолда шоличиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида тупроқларнинг шўрланиш ҳолатига қараб, шоли навларини табақалаштириб жойлаштирилиши учун хизмат қилмоқда;

Фарғона вилояти Бувайда туманининг ўртача ҳамда кучли даражада шўрланган тупроқларида шолининг эртапишар навлар гуруҳидан “Нукус-2”, “Навбахор”, “Санам” навлари, ўртапишардан “Искандар” ва кечпишардан “Лазурный” навлари 307,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 02/21-164-сон маълумотномаси). Натижада шолининг “Нукус-2” ва “Искандар” навларидан 35,6 ц/га шоли ҳосили олинган;

Фарғона вилояти, Ёзёвон туманининг жуда кучли шўрланган майдонларида шолининг “Навбахор” навини етиштириш агротехнологияси жами 211,5 гектарга жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 02/21-164-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар майдондан 37,8 ц/га шоли дон ҳосили, 848781 сўм соф фойда ва сарфланган ҳар бир сўм эвазига 31,7 – 44 фоиз кўшимча фойда олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМнинг ва Шолчилик-илмий тадқиқот институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 4 марта республика ва 1 марта хорижий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, 10 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 3 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммони ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий ва амалий янгилиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, жорий қилинишининг ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича атрофлича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Шолининг шўрланишга чидамли навларини танлаш бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, шўрланган тупроқларнинг дунёда ва мамлакатимизда тарқалиши, шўр тупроқлар шароитида шоли навларини ўсиб-ривожланиш босқичларига таъсири ҳамда шоли ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа муаммолар бўйича

бир қатор илмий хулосалар қилиниб, хусусан,шолини шўрланишга чидамли навларини танлаш ва жорий этиш борасида илмий-амалий изланишлар олиб бориш зарурати ва долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба олиб бориш услублари ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқотларни олиб бориш услублари ҳамда вегетацион ва дала тажрибаларида қўлланилган агротехник тадбирлар баён этилган. Тадқиқотлар 2009-2011 йилларда тасдиқланган дастур асосида Шоличилик илмий-тадқиқот институтида лаборатория ва вегетацион тажрибалар Фарғона вилоятидан келтирилган оч тусли бўз тупроқларда олиб борилган. Ҳайдов қатламида тузлар миқдори шўрланмаган тупроқларда Cl иони 0,01%дан SO₄ иони 0,3% дан кам, кучсиз шўрланган тупроқларда Cl иони 0,01–0,03%, SO₄ иони 0,3–1,0%, ўртача шўрланган тупроқларда Cl иони 0,03–0,1%, SO₄ иони 1,0–2,0%, кучли шўрланган тупроқларда Cl иони 0,1–0,2%, SO₄ иони 2,0–3,0% ва жуда кучли шўрланган тупроқларда Cl иони 0,2% дан, SO₄ иони эса 3,0% дан юқори эканлиги ёритилган ҳамда тажриба вариантлари ушбу фонлар бўйича жойлаштирилган. Иқлим шароити шоли навларини етиштиришга қулай бўлиб, тажриба ўтказилган йиллар мобайнидаги об-ҳаво кўрсаткичлари иловадаги 2-4 расмларда баён қилинган.


Тажрибалар 9 та вариант 4 та қайтариқда олиб борилган бўлиб, сосудларда ҳар бир вариант майдони 0,16 м², барча тажриба вариантлари майдони 51,8 м², лизиметрда ҳар бир вариант майдони 1 м², барча тажриба вариантлари майдони 144 м² ни ташкил этиб, вариантлар рендомизацион усулида жойлаштирилган. Тажрибанинг ишлаб чиқариш ҳамда кенг майдонларда синов тадқиқотлари Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти услубида олиб борилган.

Илмий тадқиқотларда лаборатория, вегетацион ва лизиметрик тажрибаларни жойлаштириш, ҳисоб-китоблар, кузатишлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси” (Тошкент 1994), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ 2007) асосида амалга оширилган. Ўсимлик ва тупроқ намуналарини олиш ҳамда кимёвий таркибини ўрганиш таҳлиллари “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент. 1977), Шолининг шўрга чидамлилигини баҳолаш учун Т.П.Журбанинг “Ускоренный метод оценки образцов риса на устойчивость к засолению почвы” (Краснодар 2010) услубида, шоли ўсимлиги барг сатҳини ҳисоблаш Vishnu M. Bhan and H.K. Pande (IRRI 1966) услубида, ҳосилни етиштириш учун сарфланган харажатлар, олинган соф фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар 2009-2017 йилларнинг ўртача баҳоси билан В.Н.Положий (Тошкент 1976) услубида, тажрибалардан олинган натижаларнинг статистик таҳлили “Методика полевого опыта” (Колос 1985) Б.А.Доспехов услуби бўйича бажарилган.

Уруғлар унувчанлиги лаборатория шароитида 1 та петри чашкасига 100 дона уруғни 20-30⁰С (6 соат давомида 30⁰С, 18 соат давомида 20⁰С)

хароратда термостатга қўйиб ГОСТ 12038-66 талаби асосида аниқланган. Тадқиқотларда шолнинг эртапишар деб “Нукус-2”, “Санам”, “Навбахор, ўртапишар “Авангард”, “Искандар”, “Илғор”, кечпишар деб “УзРОС-7-13”, “Лазурный”, “Мустақиллик” навлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг қисқача таснифи иловада ёритилган.

Диссертациянинг “Эртапишар, ўртапишар ва кечпишар шоли навларини ўсиб ривожланишига шўрланишнинг таъсири” деб номланган учинчи бобида, Фарғона вилоятининг турли даражада шўрланган майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида, шолнинг янги, истиқболли



1-расм. Шоли навлари уруғларининг унувчанлигига турли даражадаги шўрланишнинг таъсири, % (2009-2011 йиллар).

ва районлаштирилган навлар уруғларини турли даражадаги шўрланиш муҳитида униб чиқиши, дастлабки ривожланиш босқичлари лаборатория ва дала шароитида аниқланган. Шолининг барча ўрганилаётган маҳаллий навларининг уруғлари лаборатория шароитида шўрланмаган муҳитда 94,8-96,7% униб чиққан бўлсада, лекин дала шароитида эса 43,2-52,9%, яъни лаборатория шароитига нисбатан 51,6-43,8% кам униб чиққанлиги

аниқланган (1-расм). Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, кучли ва жуда кучли шўрланган муҳитларда лаборатория шароитида кам ёки жуда кам униб чиққан уруғлар дала шароитида умуман униб чиқмаганлиги аниқланган.

Ўрганилган шולי навларидан фақат эртапишар “Навбахор” нави уруғларигина Cl ва SO₄ иони билан жуда кучли шўрланган муҳитларда 32,9-33,8%, униб чиққанлиги кузатилган. Кучли шўрланган муҳитларда эртапишар шולי навларидан “Нукус-2” 30,9-32,3%, “Санам” 29,4-31,0%, ўртапишар навлардан фақат “Искандар” 25,6-26,9%, кечпишар навлардан эса фақат “Лазурный” нави уруғлари 23,0-26,7% униб чиққанлиги аниқланган. Лекин, жуда кучли шўрланиш шароитида ушбу нав уруғлари жуда ҳам кам 11,7-17,1% униб чиқиши аниқланган.

Тадқиқотлар натижасида илк бор, эртапишар шולי навлари уруғлари ўрта ва кечпишар навлар уруғларига нисбатан кўпроқ униб чиқиш қонунияти аниқланган. Айниқса, шולי навлари уруғларини униб чиқишига сульфатли шўрланишга нисбатан хлорли шўрланиш кучли зарар етказиши аниқланган.

Шолининг эртапишар навлари уруғлари экилган кундан бошлаб униб чиқиш ва ўсимликларни тушлаш фазаларига ўтиши учун назорат вариантга нисбатан тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиб борган сари кўпроқ вақт талаб қилиши ҳамда ушбу жараёнларни қийинроқ кечаётганлиги кузатилган. Жуда кучли шўрланган муҳитларда эса умуман униб чиқмаганлиги аниқланган.

1-жадвал

Шоли навларининг ўсиб ривожланиш давларига турли даражадаги шўрланишнинг таъсири (2009-2011 йиллар).

Вариантлар		1 st	2	3	4	5	6	7	8	9
Навлар номлари		Шўрланиш даражаси, %								
		Cl иони 0,1 %, SO ₄ иони 0,3% дан кам	Cl иони 0,01 – 0,03%	Cl иони 0,03 – 0,1%	Cl иони 0,1 – 0,2%	Cl иони 0,2% дан юқори	SO ₄ иони 0,3 – 1,0%	SO ₄ иони 1,0 – 2,0%	SO ₄ иони 2,0 – 3,0%	SO ₄ иони 3,0% дан юқори
		Ўсув даври, кун								
Эртапишар 90-110 кун	Нукус-2 st	111	107	99	94	90	108	100	96	92
	Навбахор	106	103	98	96	95	104	99	97	96
	Санам	96	92	89	85	81	94	90	87	83
Ўртапишар 115-125 кун	Авангард st	126	116	108	99	0	119	109	102	0
	Искандар	121	114	106	100	89	113	106	96	90
	Илғор	126	118	108	95	0	119	111	100	0
Кечпишар 128-142 кун	Узрос 7-13 st	141	131	114	0	0	133	117	104	0
	Лазурный	133	127	116	106	0	127	117	104	95
	Мустақиллик	143	133	113	0	0	136	118	103	0

ЭКФ₀₅3,7%

Натижада ўсимликнинг най, рўвак чиқариш, гуллаш ва пишиш даврига ўтиш муддати 2 кундан 21 кунгача қисқариш қонунияти аниқланган (1-жадвал). Шолининг эртапишар навларидан “Навбахор”, “Нукус-2”

ўртапишарлардан “Искандар” навлари тупроқларнинг турли даражадаги шўрланишларида ўзларининг биологик ва морфобиологик хусусиятларига мос равишда ўсиб ривожланиши аниқланган. “Авангард” ва “Илғор” навларида эса бунинг акси кузатилиб, жуда суст ривожланиш, хаттоки, шолининг кечпишар навларида ҳам юқоридаги қонуният сақланган ҳолда 40 кунгача эрта пишиб етилиш ҳолати кузатилган. Кечпишар навлар орасидан фақатгина “Лазурный” нави тупроқларнинг турли даражадаги шўрланишларида ўсиб, ривожлана олиши ҳамда аксинча “УзРОС-7-13” ва “Мустақиллик” навлари уруғлари тупроқлар жуда кучли шўрланган муҳитларда умуман униб чиқмаслиги аниқланган. Шунингдек, кечпишар “УзРОС-7-13” ва “Мустақиллик” навларининг уруғлари хлор иони билан 0,1-0,2% кучли шўрланган тупроқларда униб чиқа олсада, ўсимликларни жуда суст ривожланиши натижасида, най ва рўвак чиқариш фазасида амал даврининг тўлиқ тугаганлиги қайд этилган. Демак, тадқиқотларда кечпишар навлар эртапишар навларга нисбатан шўрланишга чидамсиз эканлиги, эртапишар навлардан “Навбахор”, “Нукус-2”, ўртапишарлардан “Искандар”, кечпишарлардан “Лазурный” навлари шўрланишга чидамли эканлиги аниқланган.

Шолининг маҳаллий навларини ўсув, яъни тулланиш, най чиқариш, рўвак чиқариш ва мум пишиш даврлари мобайнида ўсимликларнинг ер устки ва ер остки қисмлари ҳамда куруқ массаси кўрсаткичларига турли даражадаги шўрланишларнинг таъсири турлича бўлганлиги аниқланган. Шолининг барча навлари ўзларининг биологиясига мос равишда тупроқлар таркибида Cl иони 0,01 % дан ҳамда SO₄ иони 0,3% дан кам бўлган, яъни шўрланмаган шароитда жуда ҳам яхши ривожланиши кузатилган. Айниқса, кечпишар “УзРОС-7-13”, “Лазурный”, “Мустақиллик” навларининг ер устки ва остки қисмлари узунлиги ва куруқ массасида энг юқори кўрсаткичлар, яъни поя баландлиги 125,6 см., оғирлиги 11,2 г., илдизлар узунлиги 42,7 см., массаси 7,7 г. гача бўлганлиги аниқланган (2-жадвал). Тупроқларнинг кучсиз даражада шўрланган (Cl иони 0,01–0,03% ва SO₄ иони 0,3–1,0%) шароитида, шўрланмаган тупроқлардагига нисбатан фарқлар жуда кам кузатилган, лекин, мум пишиш даврида пояси 108,9-105,8 см., оғирлиги 9,7-9,4 г. ни, илдизлари 37,0-36,0 см., оғирлиги 6,7-6,5 г. ни ташкил қилганлиги ва назоратга нисбатан пояси 9,8-19,8 см., оғирлиги 0,9-1,8 г., илдизлари 3,3-6,7 см., оғирлиги 0,6-1,2 г. гача камайиб бориш тенденцияси аниқланган. Шолининг кечпишар навларини поя ва илдизлари эрта ва ўртапишар навларга нисбатан шўрланмаган тупроқларда узун ва оғир бўлган бўлса, хлор ва сульфат ионлари билан ўртача Cl иони 0,03–0,1% ва SO₄ иони 1,0–2,0% шўрланганда эса кечпишар навларда эртапишар ва ўртапишар навларга нисбатан кўрсаткичлари бир қанча пасайиб борганлиги, эртапишар навларда пояси 88,6-90,5 см., илдизлари 30,1-30,8 см., ўртапишарда пояси 95,0-100,2 см., илдизлари 32,3-34,1 см., кечпишарда эса пояси 75,8-83,5 см., илдизлари 26,7-28,4 см. бўлиб назоратга нисбатан эртапишарда пояси 12,2 см., илдизи 4,1 см., ўртапишарда пояси 23,6 см., илдизи 8,0 см., кечпишарда хаттоки пояси 47,1 см., илдизи 16,0 см. гача кам бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотлардаги Сl иони билан кучли 0,1 – 0,2% шўрланган тўртинчи, SO₄ иони билан кучли 2,0 – 3,0% шўрланган саккизинчи вариантларда ўсимликларнинг пояси эртапишарда 75,7-90,5 см., илдизлари 25,7-30,8 см., ўртапишарда пояси 67,7-100,2 см., илдизлари 23,0-34,1 см., кечпишарда пояси 66,1-83,5 см., илдизлари 22,5-28,4 см. ни ташкил этиб, назоратга нисбатан эртапишарда пояси 25,1 см., илдизи 8,5 см., ўртапишарда пояси 50,9 см., илдизи 17,3 см., кечпишарда пояси 59,5 см., илдизи 20,2 см. гача кам бўлганлиги кузатилган.

2-жадвал.

Шоли навлари ўсимликларининг ер устки ва ер остки қисмлари ҳамда куруқ вазнига шўрланишнинг таъсири (2009-2011йиллар).

Ўсув даври	Ўсимлик қисмлари	Эртапишар навлар				Ўртапишар навлар				Кечпишар навлар			
		поя баландлиги	оғирлиги	назоратга нисбатан		поя баландлиги	оғирлиги	назоратга нисбатан		поя баландлиги	оғирлиги	назоратга нисбатан	
				см	г			см	г			см	г
1-вариант, шўрланмаган Сl иони 0,01 %, SO₄ иони 0,3% дан кам													
Туплаш	поя	20,2	1,6			23,7	1,9			25,1	2,0		
	илдиз	6,9	1,1			8,1	1,3			8,5	1,4		
Найчалаш	поя	49,4	3,6			58,1	4,2			61,5	4,5		
	илдиз	16,8	2,5			19,8	2,9			20,9	3,1		
Рўваклаш	поя	72,6	5,8			85,4	6,9			90,4	7,3		
	илдиз	24,7	4,0			29,0	4,7			30,7	5,0		
Пишиш	поя	100,8	9,0			118,6	10,6			125,6	11,2		
	илдиз	34,3	6,2			40,3	7,3			42,7	7,7		
5- вариант, жуда кучли шўрланган Сl иони 0,2% дан юқори													
Туплаш	поя	13,2	1,1	7,0	0,6	10,2	0,8	13,5	1,1	8,1	0,7	17,0	1,3
	илдиз	4,5	0,7	2,4	0,4	3,5	0,6	4,6	0,7	2,8	0,5	5,7	0,9
Найчалаш	поя	32,3	2,4	17,1	1,2	25,1	1,8	33,0	2,4	19,9	1,5	41,6	3,0
	илдиз	11,0	1,6	5,8	0,9	8,5	1,3	11,2	1,6	6,8	1,0	14,1	2,1
Рўваклаш	поя	47,5	3,8	25,1	2,0	36,9	3,0	48,6	3,9				
	илдиз	16,1	2,6	8,5	1,4	12,5	2,0	16,5	2,7				
Пишиш	поя	65,9	5,9	34,8	3,1	51,2	4,6	67,4	6,0				
	илдиз	22,4	4,1	11,8	2,1	17,4	3,1	22,9	4,2				

ЭКФ₀₅3,9%

Шунингдек, ўсимликларнинг ер устки ва остки қисми узунлиги тупроқ шўрланганлик даражаси ортиб борган сари эртапишарларда юқори, ўрта ва кечпишарларда эса сезиларли даражада пасайиб борганлиги, яъни назорат вариантыга нисбатан тескари қонуният юзага келиши аниқланган. Шолининг кечпишар навлари орасидан фақатгина “Лазурный” нави кучли даражада шўрланган тупроқларда ўсиб, ривожланиши, лекин ҳосил элементларининг шаклланиш фазасига етиб бориб, Сl иони билан шўрланиш даражаси жуда кучли (0,2%) бўлганда кескин ривожланишдан тўхтаб, рўвак чиқариш босқичига ўта олмаслиги аниқланган. Натижада, шоли навлари айрим юқори шўрланиш даражасининг салбий таъсирларига ўсув давригача чидай олиши,

ривожланиши ва ҳосил тўплаш босқичига келганда эса умуман чидамсизлик қонунияти аниқланган. Кўп йиллик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, шўрланиш даражаси жуда кучли тупроқларда фақат “Навбаҳор” нави, кучли шўрланиш бўлганда эртапишар “Нукус-2”, “Санам” навлари, ўртапишардан “Искандар” ва кечпишардан “Лазурный” нави, ўртача бўлганда ўртапишардан “Авангард”, “Илғор”, “УзРОС-7-13” навлари, кучсиз ва шўрланмаган тупроқларда кечпишардан “Мустақиллик” нави уруғларини экиб самарали шоли ҳосили етиштириш мумкинлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Шоли навларининг биометрик, ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичларига шўрланишнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида тупроқлар Cl ва SO₄ иони билан жуда кучли шўрланган

3-жадвал


Шоли ҳосилдорлигига турли даражадаги шўрланишнинг таъсири, ц/га (2009-2011 йиллар).

Вар №	Шўрланиш даражалари	Навлар	Нукус-2	Навбаҳор	Санам	Авангард	Искандар	Илғор	УзРОС-7-13	Лазурный	Мустақиллик
1 St	Шўрланмаган (Cl иони 0,01 %, SO ₄ иони 0,3% дан кам)		54,0	62,8	59,3	72,6	75,2	73,2	79,4	64,9	81,7
2	Кучсиз шўрланган (Cl иони 0,01–0,03%)		50,5	54,3	52,1	66,2	70,8	64,2	71,1	59,8	61,9
3	Ўртача шўрланган (Cl иони 0,03–0,1%)		45,6	50,9	43,2	39,9	43,1	38,1	38,1	42,2	28,8
4	Кучли шўрланган (Cl иони 0,1–0,2%)		35,0	44,8	32,1	27,1	32,7	24,1	0,0	32,2	0,0
5	Жуда кучли шўрланган (Cl иони 0,2% дан юқори)		25,9	38,7	22,7	0,0	23,1	0,0	0,0	0,0	0,0
6	Кучсиз шўрланган (SO ₄ иони 0,3–1,0%)		51,3	57,2	50,0	68,8	69,3	66,2	73,8	62,1	64,7
7	Ўртача шўрланган (SO ₄ иони 1,0–2,0%)		46,2	51,4	45,1	48,1	50,4	45,9	58,8	42,9	44,7
8	Кучли шўрланган (SO ₄ иони 2,0–3,0%)		37,9	48,7	35,2	34,8	36,2	32,0	31,1	32,3	28,9
9	Жуда кучли шўрланган (SO ₄ иони 3,0% дан юқори)		28,4	41,1	25,3	0,0	26,1	0,0	0,0	19,2	0,0
	ЭКФ ₀₅ %		3,2	4,0	3,7	3,1	3,6	3,0	3,9	3,6	3,2

шароитларда ҳосилнинг асосини ташкил қилувчи биометрик кўрсаткичлар, яъни шолининг эртапишар “Навбаҳор” навида 1 м² майдондаги кўчатлар сони 99,7- 103,4 дона, маҳсулдор поя сони 193,5-197,3 дона, рўвак узунлиги 14,0-14,3 см., бир рўвакдаги донлар оғирлиги 1,9-2,0 г., рўвакдаги жами донлар сони 94,8-93,8 дона, рўвакдаги тўлиқ донлар сони 66,0-69,0 дона, рўвакдаги пуч донлар сони 28,8-24,8 дона ва 1000 дона дон оғирлиги 28,8-29,0 г. ни ташкил этган. Тупроқлар ўртача ва кучли шўрланган шароитларда эртапишар “Нукус-2”, “Санам”, ўртапишар “Искандар” ва кечпишар “Лазурный” шоли навларида бошқа навларга нисбатан ушбу кўрсаткичларни энг юқори бўлганлиги аниқланган. Юқорида номлари келтирилган шоли навларининг барчаси ўзининг морфобиологик хусусиятларига мос ҳолда шўрланмаган (Cl иони 0,01 % дан кам, SO₄ иони 0,3% дан кам) тупроқларда

54,0-81,7 ц/гача ҳосил бера олиши аниқланган (3-жадвал). Тупроқлар шўрланмаган шароитларда кечпишар “Мустақиллик” 81,7 ц/га, “УзРОС-7-13” 79,4 ц/га, кучсиз шўрланганда “Искандар” 70,8 ц/га, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланишларда фақат “Навбахор” шоли нави 38,7-50,9 ц/га энг юқори ҳосил бера олишлиги, жуда кучли шўрланишларида эса ўрта ва кечпишар шоли навларидан ҳеч бири яхши ҳосил бера олмаслиги аниқланган.

Тадқиқотларда шолнинг маҳсулдор поялар сони билан ҳосилдорлик кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳам ўрганилиб, бунда



2-расм. Шоли навларининг 1 м² даги маҳсулдор поялар сони билан ҳосилдорлик орасидаги корреляцион боғлиқлик (2009-2011 йиллар).

шоли навларини 1 м² майдондаги маҳсулдор поялар сони билан ҳосилдорлиги орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, корреляция коэффиценти $r=0,863$ га тенглиги исботланган (2-расм).

Шоли ўсимлигининг морфобиологик қонуниятларига кўра, калта донли шоли навларига нисбатан узун донли навлар дон таркибидаги амилоза миқдори, шишасимонлик кўрсаткичи ва пўстлилик даражаси юқорирок бўлиши аниқланган. Аммо, умумий ва бутун гуруч чиқиш кўрсаткичида калта донли шоли навларида узун донлиларга нисбатан кўпроқ, яъни 62,7-71,6%, узун донлиларда эса камроқ 55,1-60,4% ва бутун гуруч чиқиш даражаси мос ҳолда 84,8-91,3% ва 62,8-80,1% ни ташкил этганлиги аниқланган. Шунингдек, тупроқ шўрланиш даражаси ортиб борганда, дон таркибидаги амилоза миқдори 0,2-1,0% га, шишасимонлиги 0,2-1,5% га, пўстлилик даражаси 0,1-1,4% гача ортиб бориши, гуруч ва бутун чиқиш

кўрсаткичида эса тескари қонуният, яъни шўрланиш даражаси ортиб боргани сари кўрсаткичлар 1,5-2,3% гача камайиб бориши аниқланган.

Диссертациянинг **“Пишиб етилиш даври ҳар хил бўлган шоли навларини турли даражада шўрланган тупроқларда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган бешинчи бобида, эртапишар гуруҳидан “Нукус-2” ва “Санам” навларидан кучли шўрланган тупроқлардан 37,9 ц/га шоли ҳосили, ҳар гектаридан 665210 сўмгача соф фойда олиш мумкинлиги, лекин жуда кучли шўрланган тупроқларда бор-йўғи 22,7 ц/га ҳосил олиш ва ҳар гектаридан -326535 сўмгача зарар кўриш мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, жуда кучли даражада шўрланган тупроқларда (Cl иони 0,2% дан, SO₄ иони 3,0% дан юқори) фақат эртапишар “Навбахор” навидан 38,7-41,1 ц/га ҳосил етиштириш ҳамда ҳар гектардан 1015214-1221027 соф фойда олиш ва 38,1-45,5% рентабелликка эришиш мумкинлиги исботланган ва жорий этишга тавсия қилинган.

Шолининг ўртапишар “Авангард” ва “Илғор” навларидан ўртача шўрланган тупроқларда 38,1-48,1 ц/га, кучли даражада шўрланган тупроқларда “Искандар” навидан 32,7-36,2 ц/га ҳосил етиштириш, жуда кучли даражада шўрланган (Cl иони 0,2% дан, SO₄ иони 3,0% дан юқори) тупроқларда эса ўртапишар шоли навлардан ҳеч бири самарали ҳосил бера олмаслиги, ҳаттоки, ҳар гектаридан -240080-889740 сўмгача зарар кўриш мумкинлиги аниқланган. Ўртапишар навлар гуруҳидан фақат “Искандар” навидан тупроқлар кучли даражада шўрланганда ҳар гектаридан 369541-682616 соф фойда олиш, рентабеллик даражасини 12,7-23,2% га етказиш мумкинлиги аниқланган.

Шолининг кечпишар “Мустақиллик” нави кучсиз шўрланган шароитда етиштирилганда 61,9-64,7 ц/га, “УзРОС-7-13” нави ўртача шўрланганда 38,1-58,8 ц/га, кучли даражада шўрланган тупроқларда эса “Лазурный” навидан 32,3 ц/га, яъни қониқарли даражада ҳосил етиштириш ва ҳар гектаридан 486041 соф фойда олиш ва рентабеллик даражасини 15,8% га етказиш мумкинлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўсимликлар генофондидан мақсадли олинган 25 та шоли навлари уруғларини лаборатория шароитида турли даражада шўрланган сувли ва тупроқ муҳитларида униб чиқиши чуқур ўрганилиб, шўрланишга чидамли навлар деб 9 та маҳаллий навлар, яъни эртапишар гуруҳидан “Нукус-2” St, “Навбахор”, “Санам”; ўртапишардан “Авангард” St, “Искандар”, “Илғор”, кечпишардан “УзРОС-7-13” St, “Лазурный”, “Мустақиллик” навлари танлаб олинган ва ушбу навлар орасидан хлор ва сульфат ионлари билан жуда кучли шўрланган тупроқларда фақатгина эртапишар гуруҳидан “Нукус-2” ва “Навбахор” навлари уруғлари 25,7-33,8% униб чиқиши аниқланди.

2. Шоли навлари уруғлари экилгандан бошлаб ниҳоллар униб чиқиши ва ўсимликларни тушлаш фазасига ўтиши учун назорат вариантыга нисбатан

тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиб бориши билан кўпроқ вақт ҳамда найчалаш, рўвак чиқариш, гуллаш, пишиш даврига ўтиш давомийлигида эса аксинча, назорат вариантыга нисбатан 2-21 кунгача қисқа вақт талаб этиши аниқланди.

3. Шолининг эртапишар гуруҳи орасидан “Навбахор” ва “Нукус-2” навлари турли даражадаги шўрланишлар шароитида ҳам биологик хусусиятларига мос равишда ўсиб-ривожлана олиши, ўрта ва кечпишар навлар гуруҳидан фақатгина “Искандар”, “Лазурный” навларининг ривожланиш даврлари 7 кундан 32 кунгача эрта ўтиши ҳамда тупроқнинг турли даражадаги шўрланиш шароитларида ҳам бемалол ўсиб, ривожланиб, ҳосил бера олиши исботланди.

4. Шолининг турли маҳаллий навларининг ўсув даври мобайнида ер устки ва остки қисмлари ҳамда куруқ вазни кўрсаткичларига тупроқ таркибида Cl иони 0,01% дан, SO_4 иони 0,3% дан кам бўлганда ижобий таъсир кўрсатганлиги, ўсимликлар яхши ривожланганлиги, шўрланганлик даражаси ортиб бориши билан эртапишар навларда бу кўрсаткичлар юқори, ўртапишар ва кечпишарларда эса аксинча сезиларли даражада пасайиб борганлиги, яъни назоратга нисбатан тескари қонуният юзага келиши аниқланди.

5. Жуда кучли шўрланган шароитларда ҳосилдорлик асосини ташкил қилувчи биометрик кўрсаткичлар, шолининг эртапишар “Навбахор” навида 1 м^2 майдондаги кўчатлар сони 99,7-103,4 дона, маҳсулдор поялар сони 193,5-197,3 дона, рўвак узунлиги 14,0-14,3 см., бир рўвакдаги донлар оғирлиги 1,9-2,0 г., рўвакдаги жами донлар сони 94,8-93,8 дона, рўвакдаги тўлиқ донлар сони 66,0-69,0 дона, пуч донлар сони 28,8-24,8 дона ва 1000 дона дон оғирлиги 28,8-29,0 г. ни ташкил этганлиги, ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда эртапишар “Нукус-2”, “Санам”, ўртапишар “Искандар” ва кечпишар “Лазурный” шоли навларида энг юқори кўрсаткичлар олиниши аниқланди.

6. Тадқиқотлар натижасида танлаб олинган шоли навларининг барчаси ўзининг биологик хусусиятларига мос ҳолда шўрланмаган тупроқларда ўрта даражадаги агротехнология қўлланилганда 54,0-81,7 ц/га, кучли шўрланишда эртапишар шоли навларидан “Нукус-2” 35,0-37,9 ц/га ва “Санам” 32,1-35,2 ц/га, ўртапишарлардан “Искандар” нави 32,7-36,2 ц/га, жуда кучли шўрланишда эса фақатгина “Навбахор” нави 38,7-41,1 ц/га ҳосил бера олиши аниқланди ҳамда шоли навларининг 1 м^2 майдондаги маҳсулдор поялар сони билан ҳосилдорлик ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги ва корреляция коэффициенти $r = 0,863$ га тенглиги исботланди.

7. Тупроқ шўрланиш даражасини ортиши билан дон таркибидаги амилоза миқдори 0,2-1,0%, шишасимонлиги 0,2-1,5%, пўстлилик даражаси 0,1-1,4% га юқори бўлиши, гуруч чиқиш ва бутун гуруч чиқиш даражаси бўйича эса тескари қонуният, яъни шўрланиш даражаси ортиб бориши билан бу кўрсаткичларни 1,5-2,3% пасайиб боришида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

8. Ўрганилган шоли навларининг эртапишар гуруҳидан “Навбахор” нави

жуда кучли шўрланган тупроқларга чидамли эканлиги аниқланган ва шу шароитда етиштириш натижасида 41,1 ц/га дон ҳосили ва 1221027 сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 45,5% ни ташкил этган. Эртапишар “Нукус-2” навидан эса кучли шўрланган тупроқларда 37,9 ц/га дон ҳосили, 665210 сўмгача соф фойда, рентабеллик даражаси 23,9%, ўртапишарлардан “Искандар” навида мос равишда 36,2 ц/га, 682616 сўм ва рентабеллик даражаси 23,2%, кечпишар “Лазурный” навидан эса 32,3 ц/га, 486041 сўм ва 15,3% га етказиш мумкинлиги аниқланди.

9. Тадқиқ қилинган ҳамда асосан кенг жорий этилаётган шолининг маҳаллий 9 та навини шўрланиш тури ва даражасига кўра, Фарғона вилоятининг шоли экиладиган ер майдонлари бўйича таклиф этилаётган илмий асосда табақалаштириб жойлаштирилиши натижасида ҳосилдорликни 10-25 фоизгача ошириш ва юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги илмий, амалий жиҳатидан аниқланди.

10. Фарғона вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида шолчиликни янада ривожлантириш, табиий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлик ва унинг сифатини ошириш мақсадида:

шўрланмаган ва кучсиз даражада шўрланган тупроқларда шолининг ўртапишар “Авангард”, “Искандар”, “Илғор” навлари ва кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурный”, “УзРОС-7-13” навларини;

ўртача (Cl иони 0,03–0,1% ва SO₄ иони 1,0–2,0%) ҳамда кучли даражада (Cl иони 0,1–0,2% ва SO₄ иони 2,0–3,%) шўрланган тупроқларда шолининг эртапишар навлар гуруҳидан “Нукус-2”, “Навбахор”, “Санам” навлари, ўртапишардан “Искандар” ва кечпишардан “Лазурный” навларини;

жуда кучли даражада шўрланган (Cl иони 0,2% дан ва SO₄ иони 3,0% дан юқори) тупроқларда фақат эртапишар “Навбахор” навини экиш тавсия этилади ҳамда бошқа эрта, ўрта ва кечпишар навларни экиш тавсия этилмайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.QX.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РИСОВОДСТВА

Кадиров Бахтияржон Гулмухаммадович

ОТБОР СОРТОВ РИСА УСТОЙЧИВЫХ К ЗАСОЛЕНИЮ

06.01.08 - Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2019.2.PhD/Qx45

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в научно-исследовательском институте Рисоводства

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Телляев Рихсивой Шамахамадович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Официальные оппоненты: **Остонакулов Тоштемир Эшимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Абдурахмонов Содикжон Обидович
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник.

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт растениеводства

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 года. в _____ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2019 года).

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н. профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Рис является одной из основных зерновых культур в мире, которая по площади посева в мировом земледелии занимает второе место, а по урожайности первое, а также, «в мире в 2018 году площадь посева риса занимала 155 млн. гектаров, а общий урожай составил 751,9 млн. тонн.»¹ Урожайность риса была бы ещё выше, но во многих странах Азии (Австралия, Тихоокеанские острова) 53,2%, в Латинской Америке 13,4%, в Восточной части мира 12,7 %, в странах Европы 9,4%, в Африке 8,8%, в Южной Америке 2,5% рис возделывается на засоленных почвах.

Во многих развитых странах мира на основании внедрения разработанных научно-обоснованных ресурсосберегающих технологий, снижая засоленности и повышая плодородие почв, создавая солеустойчивые сорта добиваются высокой экономической эффективности. Решение данной проблемы находят в обеспечении продовольственной безопасности, подбора устойчивых сортов в различных засоленных условиях и рационального их размещения, усовершенствования технологии возделывания и широкое использование современных технических средств, повышающие урожайность и улучшающие качества зерна риса.

В республике считается важным проведение научных исследований по освоению и улучшению состояния засоленных земель с целью дальнейшего эффективного использования природных ресурсов для развития рисоводства, укрепление экологического состояния почвы и безопасности продовольственных продуктов. В Стратегии действия на 2017-2021 г.г. утвержденной указом Президента Республики Узбекистан, указывается, «что развитие сельскохозяйственного производства, укрепление продовольственной безопасности, эффективное использование орошаемых земель, в частности, засоленных почв, оросительной воды, создание новых адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям сортов сельскохозяйственных культур, внедрение ресурсосберегающих технологий, обеспечивающих развитие зерноводства»², наравне с активным возделыванием полевых культур, рациональным использованием полевых угодий, улучшение почвенных условий, усовершенствование технологии возделывания урожая, отбор сортов, их размещение по состоянию, засоленности, а также внедрение результатов в производство, являются актуальными задачами.

Данная диссертация направлена в определённой степени на решение задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан в указе «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны» № 5303 от 16 января 2018 года, в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию орошаемых

¹<http://www.faostat.fao.org>; <http://www.activestudy.info/soleustoychivost-selskoxozyaestvennix-rasteny>,

²[https://Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «В стратегии действий по развитию Республики Узбекистана»](https://Указ%20Президента%20Республики%20Узбекистан%20№%20УП-4947%20от%207%20февраля%202017%20года%20«В%20стратегии%20действий%20по%20развитию%20Республики%20Узбекистана%20»)

земель» №261 от 28 ноября 2018 года, а также задач, упомянутых в нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».³

